

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1405-ҳадис

1405/3444 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: رَأَى عَيْسَى ابْنُ مَرْيَمَ رَجُلًا يَسْرِقُ، فَقَالَ لَهُ: أَسْرَفْتَ؟ قَالَ: كَلَّا، وَاللَّهِ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ، فَقَالَ عَيْسَى: آمَنْتُ بِاللَّهِ، كَذَّبْتُ عَيْنِي.

1405.3444. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ийсо ибн Марям ўғрилик қилаётган бир кишини кўриб қолиб, унга: «Ўғрилик қилдингми?» деди. У: «Йўқ, Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасам», деди. Шунда Ийсо: «Аллоҳга иймон келтирдим ва кўзимни ёлғончига чиқардим», деди», дедилар».**

Изоҳ: Ҳадисда баён қилинган воқеада Ийсо алайҳиссалом бир кишининг ўғрилик қилганини кўриб, бу ўғриликми-йўқми деб, аниқлаш учун ундан бу ҳақда сўраган бўлишлари мумкин. Лекин у киши Аллоҳнинг номи билан қасам ичиб, буни инкор қилгач, Ийсо алайҳиссалом «Бу киши Аллоҳнинг номи билан қасам ичди, демак, ёлғон гапирмаяпти» деган маънода «Аллоҳга иймон келтирдим ва кўзимни ёлғончига чиқардим», деган эканлар, яъни Аллоҳнинг номи ўртага қўйилганда Ийсо алайҳиссалом У Зотнинг ҳаққи-ҳурмати учун ўша одамнинг сўзини тасдиқлаган эканлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

